

Шавкат Мирзиёев Рақамли ҳукумат офиси билан танишди



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Бош вазири Асқар Мамин ҳамроҳлигида Нурсултон шаҳридаги EXPO ишбилармонлик марказида жойлашган Рақамли ҳукумат офисига ташриф буюрди.

Ушбу муассаса жорий йил сентябрь ойида очилган. Унинг таркибига Миллий таҳлил маркази, Рақамли трансформация маркази ва Миллий лойиҳа офиси киради.


Давлатимиз раҳбари ситуацион марказ имкониятлари билан ҳам танишди. Марказ барча маълумотлар базаларига уланади ва ҳудудлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади, бу эса реал вазиятни онлайн равишда кўриш, масалан, мамлакатда эмлаш суръатлари тўғрисидаги маълумотларни кузатиб бориш имконини беради.

Ички ва ташқи савдо бўйича таҳлилий платформа имкониятлари намойиш қилинди. Унинг ёрдамида озиқ-овқат нархларини онлайн равишда мониторинг қилиш ва нарх-навонинг прогноз кўрсаткичларини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, офис негизида инновациялар ва аэрокосмик саноат соҳаларидаги лойиҳалар ишга туширилади.

Офис мутасаддиси Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантириш, IT-парклар ташкил этиш, дастурчилар тайёрлаш, давлат хизматларини онлайн кўрсатиш бўйича қилинаётган ишларни эътироф этиб, Қозоғистон ҳам шу йўлдан бораётганини айтди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада тажриба алмашиш, давлат хизматлари соҳасига сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, ҳар бир ҳаётий вазиятни таҳлил қилиб, одамларга қулайлик яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи якунланди.







Манба